

Умму Солих тупрогида тунислик катта шайхлар колмагач, хеч ким талаб килмаса хам, бу макомни Ибн Базхон эгаллади. Чунки у ўша пайтда кироат борасида энг билимдон киши бўлиб, Ажам кўчасининг бир чеккасида истикомат килар эди. Ибн Базхон ўша жойнинг бир жомеъ масжидида намоз ўқир ва пешиндан асргача бўлган вақтда шайхлар хузурига борар, кейин дарс бериш учун ўтирар эди. Гоятда камгап бўлиб, у ёк-бу ёкка карамас, туфламас ва томок хам кирмас эди. Унинг хузурида ўтирган киши хам ўзини худди шу холатда тутарди. Ибн Базхон олдида ўтирган корига бармоклари билан ишора килиб, тажвиднинг дакик ўринларидан бўлмиш бирор гунна ва ташдидни тарк килишига йўл кўймас, агар шогирди ўша жойни унутиб колдирса, шу захоти тўхтатиб, кайта-кайта такрорлатар, кори кироатнинг бирор жойини унутса, кўлини бўйрага урар, шогирд келиб, хатосини тўгриласа, давом этишига рухсат берар, тўгриламаса, кори чарчагунича: «Тўгри ўкимадинг», деб ўша жойни такрорлатаверар, агар у чарчаб колса, хатога йўл кўйган жойини ёзиб берар эди. Талаба Куръонни тугатиб, ижоза сўраганида унинг бошка хатмларидаги унутган ва хато килган жойларини сўрар, кори ўша хатоларини тўгрилаб жавоб килгандагина, унга ижоза, яъни кироат килиши учун рухсатнома ёзиб берарди. Агар кори аввалги хатоларини яна такрорлайдиган бўлса: «Бу холатингда сенга рухеат бера олмайман», дер эди. Имомнинг мана шундай ўзига хос одатлари, услублари бор эди.

У умри давомида Сайф ибн Харирий ва Ибн Нахладан бошка узок юртлардан ўкиб бериш учун келган бирор кишига изн бермаган. Шу билан бирга, у бирор кишига бурилиб бокмайдиган, бирор кишидан бирор вазифа талаб килмайдиган, дину диёнатли, камсукум, истараси иссик киши эди. Ибн Базхон Умму Солих тупрогида ёддан Куръон ўқишни ўзига шарт килиб олганди. Хузурига бирор таниш киши келса, вазифасини тўхтатиб, унга караб жавоб беришга тутинарди. Ўзига яраша гўзал хулкка эга бу инсоннинг отасидан мерос колган моли бор эди. Шу билан бирга, у чиройли талаффузи, тажвидни яхши билиши билан танилган бўлиб, касидани шархлаган ва «Хамза товуши» бобигача етган эди. Бу асар таснифи гоят мураккаб бўлиб, у хакда Абдулваххоб ибн Салор: «Мусанниф бу шархнинг коралама кўринишини фикри бир тўхтамга келгунга қадар кайта-кайта тўгрिलाб ёзарди. У худди китоб ёзишга кийналган олимга ўхшар эди», деган.